




**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**8 (70) 2024**

**Сопредседатели редакционной коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАЖИДОВ  
Б.З. АБДУСАМАТОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
А.С. ИЛЬЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
М.Р. МИРЗОЕВА  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВЕВ  
С.А.ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Ш.Т. САЛИМОВ  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**8 (70)**

**2024**

*август*

[www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)

<https://newdaymedicine.com> E:

[ndmuz@mail.ru](mailto:ndmuz@mail.ru)

Тел: +99890 8061882

Received: 02.08.2024, Accepted: 11.08.2024, Published: 20.08.2024

УДК 616-036.22:574:614.1:312:1185987

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВОЛАШ ПРОФИЛАКТИКА  
МУАССАСАЛАРИ МИКРОИҚЛИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ САНИТАРИЯ-ГИГИЕНИК  
ТАЛАБЛАРГА МОСЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

Умуров Ш.С. Email: [kugojasisinjen@gmail.com](mailto:kugojasisinjen@gmail.com)

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,  
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50  
e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

✓ **Резюме**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида даволаш профилактика муассасаларини қуриш, қайта қуриш ва реконструкция қилишда ходимларнинг соғлигига комплекс равишда доимий таъсир этиб келадиган омиллар (ёритилганлик ҳамда шовқин)ни санитария ҳолида ва меъёрлари талабларига мослигини таҳлил қилиш, ҳамда таҳлил натижаларини тиббий ходимларга ва даволаш профилактика муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга керакли тавсияларни бериш. Бу билан даво муолажалари сўраб тиббий ёрдамга мурожаат қилган шахсларга ҳамда ушбу даволаш профилактика муассасаларида ишлайдиган ишчи хизматчиларни соғлигига салбий таъсир этадиган метиоомиллардан хоналарнинг умумий ёритилганлик даражасини ишчи юзада, хона марказида ҳамда табиий ёруғлик манбائي бўлган деразалардан энг узок масафада қандай фарқ қилишини ҳисобга олган ҳолда ҳамда ҳосил бўладиган шовқинни камайтиришнинг замонавий усулларини тадбиқ қилиб қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширилишини таъминлашда ёрдам бериш ва бу билан беморлар ва ишчи хизматчилар руҳий-физиологик ва жисмоний ҳолатига бўладиган ёритилганлик ва шовқиннинг салбий таъсирни минимал даражагача камайтириш чораларини излаш.

**Тадқиқот мақсади:** Даволаш профилактика муассасаларини қуришда ва ташиқлаштиришда йўл қўйиладиган камчиликларни муассасаларни қуриш ёки қайта қуришдан олдин билиб олиш, беморлар ва уларга қаровчи шахслар ҳамда тиббий ходимлар соғлигига келадиган зарарни камайтириш, қурилиш-таъмирлаш ишларида хато камчиликларни тузатиш учун сарфланадиган моддий зарарни камайтириш ва санитария-гигиена ҳолидалирини бузилиш ҳолатларини олдини олиш.

**Материал ва усуллар:** Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўлимлари объект сифатида олинди. Тегишириш усуллари сифатида санитар-тавсифий, инструментал, лаборатор-инструментал ва аналитик усуллардан ҳамда Тошкент тиббиёт академияси биносида жойлашган корейс-ўзбек кўшма лабораториясининг лаборатор-инструментал усулларидан фойдаланилди.

**Калит сўзлар:** ДПМларни жойлаштириш, қуриш, қайта қуриш, ёритилганлик даражаси, люкс, СанҚваМ-0020-22, шовқин, дБа, стоматолог хонаси, невролог хонаси, катта ҳамшира хонаси, гигиеник меъёрлар.

**ОЦЕНКА СООТВЕТСТВИЯ САНИТАРНО-ГИГИЕНИЧЕСКИМ ТРЕБОВАНИЯМ  
ПОКАЗАТЕЛЕЙ МИКРОКЛИМАТА ЛЕЧИТЕЛЬНО-ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ  
УЧРЕЖДЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Умуров Ш.С. Email: [kugojasisinjen@gmail.com](mailto:kugojasisinjen@gmail.com)

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,  
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50  
e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

✓ Резюме

*Анализ факторов (освещенности и шума), оказывающих постоянное влияние на здоровье работников при строительстве, реконструкции и реконструкции лечебно-профилактических учреждений на территории Республики Узбекистан и соответствие их требованиям санитарных правил и норм, как а также результаты анализа для медицинского персонала и строительства ЛПУ с предоставлением необходимых рекомендаций юридическим и физическим лицам, осуществляющим ремонтно-восстановительные работы. Таким способом можно определить факторы, отрицательно влияющие на здоровье людей, обращающихся за медицинской помощью, и работников профилактических учреждений, учитывая, как отличается общий уровень освещенности помещений от рабочей поверхности, в центре в помещении, а на максимальном расстоянии от окон, являющихся источником естественного света, способствовать обеспечению выполнения строительных и ремонтных работ путем применения современных методов шумоподавления и, таким образом, искать меры по снижению негативного воздействия освещения и шума на психическое, физиологическое и физическое состояние больных и работников до минимального уровня.*

*Цель: Выяснить недостатки, допускаемые при строительстве и организации лечебно-профилактических учреждений до начала строительства или реконструкции учреждений, снизить вред здоровью больных и лиц, осуществляющих за ними уход, а также здоровью медицинских работников. персоналу, снизить материальный ущерб, который затрачивается на исправление ошибок и дефектов в строительных и ремонтных работах, а также соблюдать санитарно-гигиенические правила по предотвращению аварий.*

*Материалы и методы: В качестве объектов были взяты отделения многопрофильной клиники Ташкентской медицинской академии. В качестве методов обследования использовались санитарно-описательные, инструментальные, лабораторно-инструментальные и аналитические методы, а также лабораторно-инструментальные методы совместной корейско-узбекской лаборатории, расположенной в здании Ташкентской медицинской академии.*

*Ключевые слова: размещение ДПМ, строительство, реконструкция, уровень освещенности, люкс, СанПиН-0020-22, шум, дБа, кабинет стоматолога, кабинет невролога, кабинет старшей медсестры, гигиенические нормативы.*

**ASSESSMENT OF COMPLIANCE WITH SANITARY-HYGIENIC REQUIREMENTS OF THE MICROCLIMATE INDICATORS OF TREATMENT AND PREVENTION INSTITUTIONS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

*Umurov Sh.S. Email: [kujajasinjen@gmail.com](mailto:kujajasinjen@gmail.com)*

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi.  
1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

*Analysis of the factors (illumination and noise) that permanently affect the health of employees in the construction, reconstruction and reconstruction of preventive treatment facilities in the territory of the Republic of Uzbekistan and their compliance with the requirements of sanitary rules and norms, as well as the results of the analysis for medical personnel and the construction of preventive treatment facilities. providing necessary recommendations to legal entities and individuals engaged in repair and reconstruction works. In this way, it is possible to determine the factors that negatively affect the health of people who seek medical help and workers working in preventive institutions, taking into account how the general illumination level of the rooms differs from the working surface, in the center of the room, and at the farthest distance from the windows that are the source of natural light. to help ensure the implementation of construction and repair works by applying modern methods of noise reduction, and thus to seek measures to reduce the negative impact of lighting and noise on the mental, physiological and physical condition of patients and workers to the minimum level.*

**Purpose:** To find out the shortcomings that are allowed in the construction and organization of treatment and prevention institutions before the construction or reconstruction of the institutions, to reduce the harm to the health of patients and their caregivers, as well as to the health of medical personnel, to reduce the material damage that is spent on correcting errors and defects in construction and repair work, and to implement sanitary and hygiene rules. prevent breakdowns.

**Materials and methods:** Departments of the multidisciplinary clinic of the Tashkent Medical Academy were taken as objects. Sanitary-descriptive, instrumental, laboratory-instrumental and analytical methods, as well as laboratory-instrumental methods of the joint Korean-Uzbek laboratory located in the building of the Tashkent Medical Academy, were used as inspection methods.

**Key words:** placement of DPMs, construction, reconstruction, level of illumination, lux, SRandR-0020-22, noise, dBa, dentist's room, neurologist's room, senior nurse's room, hygienic standards.

### Долзарблиги

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида даволаш профилактика муассасаларини қуриш, қайта қуриш ва реконструкция қилишда ходимларнинг соғлиғига комплекс равишда доимий таъсир этиб келадиган омиллар (ёритилганлик ҳамда шовқин)ни санитария қоида ва меъёрлари талабларига мослигини таҳлил қилиш, ҳамда таҳлил натижаларини тиббий ходимларга ва даволаш профилактика муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари билан шуғилланувчи юридик ва жисмоний шахсларга керакли тавсияларни бериш [1,5,6]. Бу билан даво муолажалари сўраб тиббий ёрдамга мурожаат қилган шахсларга ҳамда ушбу даволаш профилактика муассасаларида ишлайдиган ишчи хизматчиларни соғлиғига салбий таъсир этадиган метеоомиллардан хоналарнинг умумий ёритилганлик даражасини ишчи юзада, хона марказида ҳамда табиий ёруғлик манбаи бўлган деразалардан энг узоқ масофада қандай фарқ қилишини санитария қоида ва меъёрларига мослигини таҳлил қилиш [7,8,9]. Ҳисобга олган ҳолда ҳамда ҳосил бўладиган шовқинни камайтиришнинг замонавий усуллари тadbик қилиб қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширилишини таъминлашда ёрдам бериш ва бу билан беморлар ва ишчи хизматчилар руҳий-физиологик ва жисмоний ҳолатига бўладиган ёритилганлик ва шовқиннинг салбий таъсирни минимал даражагача камайтириш чораларини излаш [2,3,4,10].

**Тадқиқот мақсади:** Даволаш профилактика муассасаларини қуришда ва ташкиллаштиришда йўл қўйиладиган камчиликларни муассасаларни қуриш ёки қайта қуришдан олдин билиб олиш, беморлар ва уларга қаровчи шахслар ҳамда тиббий ходимлар соғлиғига келадиган зарарни камайтириш, қурилиш-таъмирлаш ишларида хато камчиликларни тузатиш учун сарфланадиган моддий зарарни камайтириш ва санитария-гигиена қоидаларини бузилиш ҳолатларини олдини олиш.

### Материал ва усуллар

Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўлимлари объект сифатида олинди. Текшириш усуллари сифатида санитар-тавсифий, инструментал, лаборатор-инструментал ва аналитик усуллардан ҳамда Тошкент тиббиёт академияси биносида жойлашган корейс-ўзбек кўшма лабораториясининг лаборатор-инструментал усулларидадан фойдаланилди.


### Натижа ва таҳлиллар

Тошкент тиббиёт академиясига қарашли кўп тармоқли клиникаси бўлим ва холаларда микроиклим кўрсаткичларини СанҚваМ № 0020-22 “Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари” меъёрий ҳужжатга асосан текширдик ва қуйидаги натижаларни олдик:

ТТА кўп тармоқли клиника терапия қабул бўлими катта ҳамшира хонасининг ёритилганлик даражаси гигиеник баҳоланганда ишчи юзада ва хонамарказида ёритилганлик даражаси гигиеник меъёрларга жавоб берди, аммо деразадан энг узоқ масофада ёритилганлик гигиеник меъёрларга москелмаганлиги аниқланди (1-расм).


Маълумки инсон қадим замонларданок шовқин дунёсида яшаб келган. Аммо ҳозирги вақтда киши саломатлиғига зарар келтирадиган шовқин бекиёс даражада ортиб кетди. Шу туфайли

шовқин сабабларни тўлиқ ўрганиш уни камайтириш ва бутунлай бартараф этиш йўллари устида олимлар кўп излашишлар олиб бормоқдалар.



**1-расм. ТТА кўп тармоқли клиника терапия қабул бўлими катта ҳамшира хонасининг ёритилганлик даражаси (люкс).**


Агарда ушбу масалани республикамиз миқёсида кўриб чиқадиган бўлсак, ҳозирги вақтида республикамизда жуда кўп оғир ва енгил саноат корхоналар бор техниканинг жадал ривожланиши шовқининг кўпайишига сабаб бўлмоқда зеро шовқин инсон саломатлигига салбий таъсир этади. Шу билан бирга шовқин иш жойларида ҳам гигиеник меъёрлардан юқори бўлса, иш бажариш самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Биз ТТА кўп тармоқли клиника терапия қабул бўлими катта ҳамшира хонасининг шовқиндаражасини ўлчаб унинг қай даражада гигиеник меъёрларга мос келишини таҳлил қилдик, ўлчов ўтказилган барча нукталарда шовқин даражаси гигиеник меъёрларга мос келмади, айниқса деразага энг яқин масофада 71.4 дБа ташкил этди (2-расм).



**2-расм. ТТА кўп тармоқли клиника терапия қабул бўлими катта ҳамшира хонасининг шовқин даражаси (дБа).**


ДПМларда палаталар ва иш жойларининг ёритилганлик даражаси ҳам катта аҳамиятга эгадир, чунки ёритилганлик орқали инсон атроф муҳитдан 90%гача маълумотларни олади. Шу билан бирга ёритилганлик пациент ва персоналларнинг руҳий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади. Шу

сабабли биз ТТА кўп тармоқли клиникамаслаҳат поликлиникасишифокор стоматолог хонасининг ёритилганлик даражаси гигиеник баҳоладик ва қуйидаги натижаларни олдик: ёритилганлик даражаси деразага энг яқин жойдаэнг юкори кўрсаткични кўрсатди яъни 302 люксга тенг бўлди ва гигиеник меъёрларга мос келди (3-расм).



**3-расм. ТТА кўп тармоқли клиника маслаҳат поликлиникаси шифокор стоматолог хонасининг ёритилганлик даражаси (люкс)**


Фан техника тараққиёти даврида аҳолини шовқин сурондан асраш ҳозирги замонинг асосий масалларидан бири бўлиб келмоқда, чунки шовқин сурон борган сари кўпаймоқда, бу эса инсон учун ёт, нохуш овозлар, шовқин ёқимли овозларни қабул қилишга тўсқинлик қилмоқда. Инсонлар тинчлигини бузиб, асабига таъсир этмоқда бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиб, кейинги йилларда шовқин суронасаб кассаллигини борган сари кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда. Айниқса стоматолог шифокорлар турли тиббий асбоб ускуналар билан ишлаганда ҳам шовқин ҳосил бўлади шу сабабли бизнинг тадқиқотимиздаТТА кўп тармоқли клиникамаслаҳат поликлиникасишифокор стоматолог хонасининг шовқин даражаси текширдик ва деразага энг яқин жойда шовқиннинг гигиеник меъёрларга мос келмаслиги аниқланди (4-расм).



**4-расм. ТТА кўп тармоқли клиника маслаҳат поликлиникаси шифокор стоматолог хонасининг шовқин даражаси (дБ).**


Олимларнинг фикрча сўнгги ўн йилликда шовқин даражаси10-12 дБ гача кўпайган. Ҳозирги вақтда эса бу 80 дБ дан 100 дБга аниқланди. Шунинг учун шовқин кучини камайтириш асосий

муҳиммасалаларданбири бўлиб, бу кенг жамоатчиликнингдиққат марказида бўлмоғи керак. Шу билан бирга шовкин ДПМларда даволанаётган беморларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Айниқса дам олиш вақтларида шовкин даражаси юқори бўлса уларнинг руҳиятлари ва асабларига таъсир кўрсатади. Айниқса шовкин даражасиДПМ лар йўлакларида юқори бўлсамаслаҳатга келган бемор ва уларнинг яқинлари саломатлигига таъсир кўрсатади. ТТА кўп тармоқли клиникамаслаҳат поликлиникаси йўлаклари (коридор) шовкин даражаси текширилганда қуйдагилар аниқланди: ўртача кўрсаткич 77дБа ташкил этиб, гигиеник меъёрлардан ортиқ эканлигини кўрсатади (5-расм).



**5-расм. ТТА кўп тармоқли клиника маслаҳат поликлиникаси йўлаклари (коридор) шовкин даражаси (дБа)**


Агарда шовқининг аҳоли саломатлигига таъсирини таҳлил қиладиган бўлсак шовқин инсон организмига нафақат салбий таъсир кўрсатиб у ёки бу физиологик ўзгаришлар чақиради. ТТА кўп тармоқли клиникамаслаҳат поликлиникасивестюбулда шовқиндаражаси лаборатория текширилганда барча ўлчов нуқталарда шовқин даражаси юқори эканлиги аниқланди (6-расм).



**6-расм. ТТА кўп тармоқли клиникамаслаҳат поликлиникасивестюбулда шовқиндаражаси (дБа).**


Инсонинг сиҳат саломатлигини сақлашда, ҳамда беморларнинг тезроқ соғайиб кетишлари учун ДПМлардаги физик омилларнинг роли жуда катта, чунки ушбу физик омилларнинг инсон организмига кун бўйи, ой йил давомида тинимсиз таъсир этиш натижасида унинг нормал ҳаёт тарзи бузилиб соғлиги ёмонлашмоқда. Айниқса биокимёвий лабораторияда ёритилганлик муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга лаборатория асбоб ускуналари ва ўтказилаётган таҳлиларнинг тўғри ўтказишда табиий ва суъний ёритилганлик даражаси муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли биз тезкор биокимёвий текширишлар лабораторияси хоналарининг ёритилганлик даражасини гигиеник текширдик ва қуйдаги натижаларни олдик; хона марказида бевосита иш жойида ёритилганлик хонада ўтказилган бошқа ўлчов нуқталарига нисбатан энг юқори даражада

эканлиги аниқланди, шуни қайд этиш керакки тезкор лабораторияда ёритилганлик даражаси барча нуқталарда гигиеник меъёрларга мос келди (7 расм).



**7-расм. ТТА кўп тармоқли клиника терапия қабул бўлими тезкор биокимёвий лабораторияда ёритилганлик даражаси (люкс)**

Кучли товушлар қиска вақт таъсир қилиш натижасида эшитиш анализаторлари секин аста шунга мослашиб сезув қобилияти пасаяди, аммо товуш таъсири тўхтагандан кейин эшитув органининг сезиш қобилияти нормал ҳолатга қайтади. Шовқинларнинг мунтазам таъсиридан эшитув органининг мослашиши ҳолати чарчаш ҳолатига ўтади. Бу эса ўз навбатида эшитиш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Мослашиши ҳолати эшитув организми қўзғалиш жараёнининг сусайиши деб ҳисобланади. Биз ТТА кўп тармоқли клиника терапия қабул бўлими тезкор биокимёвий лабораторияда шовқин даражаси текширдик ва қуйидаги натижаларни олдик: энг юқори шовқин даражаси деразага яқин жойда аниқланди, ва олинган натижалар гигиеник меъёрлардан юқори эканлиги ўрнатилди, қолган ўлчов нуқталарида ҳам шовқин даражаси гигиеник меъёрнинг энг юқори эканлиги аниқланди (8-расм).




**8-расм. ТТА кўп тармоқли клиника терапия қабул бўлими тезкор биокимёвий лабораторияда шовқин даражаси (дБа).**

Шовқин таъсирида кўзнинг кўриш майдонида ҳам ҳар хил аломатлар юзага келади. Кўк ва яшил ёруғлик таъсирида кўзнинг кўриш майдони кенгаяди, апелсин рангли қизил ёруғликда кўзнинг кўриш майдони тораяди. Кўзнинг аниқ кўриш қобилияти ҳам шовқининг кучлигига қараб пасаяди.

Шовқин таъсирида марказий нерв системасида функционал ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Натижада кал, идрок ва иш қобилияти пасайиб, кўзғалиши процесси ошиб кетади. Бу эса марказий нерв системасининг шовқинга насбатан кўрсатади.

Шовқин киши психикасини ўзгартиради бунга олимлар товуш стресси ёки ҳозирги замон кассалиги деган ном берганлар. Кўпгина илмий текширишлар шуни тасдиқладики, невроз кассаликларнинг 70% киши қаттиқ шовқин сабаб бўлмоқда. Кейинга ўн йилликларда бир қанча мамлакатларда юрак қон томир касалликлари кўпайиб бормоқда. Бу кассаликнинг содир бўлишига нерв системасининг озор топиши ташқи эмоционал ҳолатлар ва бошқалар сабаб бўлмоқда.



**9-расм. ТТА кўп тармоқли клиника неврология бўлими шифокор хонасида шовқин даражаси (дБа).**

Шовқин юрак қон томирига нерв системаси орқали таъсир қилиб қон томирини торайтириб, кассаликларни ривожланишига сабаб бўлади.

Қон томирлари торайганда терининг ранги ўчади ва қон томир касалликлари ривожланади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики шовқин ДПМ ларининг ҳам муаммоси ҳисобланади. Биз ТТА кўп тармоқли клиника неврология бўлими шифокор хонасида шовқин даражаси текширдик бунда барча ўлчов нуқталарида шовқин даражаси юқори эканлиги аниқланди (10-расм).

**Хулоса**

Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўлимларида олиб борилган инструментал текшириш ва тавсифлаш усулларида шуни хулоса қилиш мумкинки ишчиларнинг хизмат хоналарида хоналарнинг умумий ёритилганлик кўрсаткичи ҳар доим ҳам санитария меъёрларига мос келмайди. Бу эса ишчилар саломатлигига салбий таъсир этмасдан қолмайди. Шу сабабдан даволаш профилактика муассасаларини куриш, қайта куриш, реконструкция қилиш ишлари билан шуғулланувчилар ҳамда тиббиёт ходимлари орасида тадқиқот натижаларини эълон қилиш ва йўл қўйилиши мумкин бўлган санитария қоида ва меъёрлари талаблари бузилишини олдини олиш, курилиш-таъмирлаш ишлари якунлангандан кейин хато камчиликларни тузатиш учун кетадиган вақтни тежаш ҳамда моддий сарф-харажатларни камайтиришга эришишга асос бўлади.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Умутов Ш.С. Бруцеллез касаллиги санитар-гигиеник ва эпидемиологияси хусусиятлари ҳамда Қизилтепа туманида касаллик динамикаси //Eadqiqotlar. 2023;25(1):64-69.
2. Умутов Ш.С. Особенности Труда Рабочих В Сельском Хозяйстве //Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali. 2023;2(10):197-201.
3. Умутов Ш. С. Здоровье Молодежи //Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali. 2023;2(10):189-196.
4. Тилляшайхов М.Н., Джанклич С.М., Ибрагимов Ш.Н., Имамов О.А., Сабирджанова З.Р., Умутов Ш.С. (2022). Распространенность колоректального рака в республике Узбекистан. //Вопросы онкологии, 2022;68(3):174-175.
5. Шеркузиева Г.Ф., Самигова Н.Р., Умутов Ш.С. (2022). Аҳолининг кудук сувларидан фойдаланиш эколого-гигиеник аспектлари (Doctoral dissertation, Тошкент) 2022.
6. Шеркузиева Гузал Фахритдиновна., Самигова Наргиз Раимовна., Умутов Шамсиддин Сатторович. Аҳолининг кудук сувларидан фойдаланиш эколого-гигиеник аспектлари. /Diss. Тошкент, 2022.
7. Умутов Ш. С. Қоракўлчилик ходимлари меҳнат шароитларини ўрганиш ва ходимлар соғлигига таъсир кўрсатувчи салбий факторларни кенг оммага тадбиқ қилиш //Tadqiqotlar 2024;30(2):151-156.
8. Шеркузиева Г. Ф., Саломова Ф. И., Умутов Ш. С. Касалхона ички инфекцияси муаммолари //Ташкентская медицинская академия кафедра эпидемиологии казахский национальный медицинский университет имени С.Д. Асфендиярова. 2023; 78 с.
9. Умутов Ш.С. Здоровье Молодежи //Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali. 2023;2(10):189-196.
10. Умутов Ш.С. Особенности Труда Рабочих В Сельском Хозяйстве //Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali. 2023;2(10):197-201.

Қабул қилинган сана 02.08.2024